

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

8 Декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ҚОМУСИМИЗ — БАХТНОМАМИЗ

*“Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”.*

*“Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”.*

*Эҳтимол, оддий сўзлашуларда бу жумлалар мазмунини нечоғлик нурли, ёқимли*

*бўлса-да, у қадар қудрат касб этмас. Аммо улар Конституцияга киргач, қонун даражасига кўтарилади. Улкан кучга эга бўлади. Тўққиз йилдан буён вақт синовларига бардош бериб яшаб келаяётган бизнинг бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ана шундай қудрат мужассам. Унинг кучи, имкониятлари бугуннинг бахту*

*тавишларига елка тутиб яшайётган замондошларимиз ҳаёти, амали, истақларида яна ҳам тўлароқ намён бўлади.*

*- Бош Қомусимиз ва ўзининг ҳуқуқ, бурчларингиз ҳақида ўйлаганда ҳаёлингиздан нима кечади?*

*Опа-сингилларимиз билан суҳбатимиз шу савол атрофида бўлди.*



Салтанат ЮСУПОВА — Сурхондарё вилояти,

Термиз шаҳри “Сурхон соҳили” маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси:

- Тақдир эр-хотин иққовимизни бешта ўғил-қиз билан сийлади. Асосий кучим, билимим, меҳру-муҳаббатимни уларга бахш этдим. Минг шукр, катталари ўқиган даргоҳларида олқиш олиб, битказишди.

Ҳар гал мамлакатимиз Конституциясининг XIV боби 64-моддасидаги “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”, - жумласини ўқиганимда ўзимни

бурчимни бажараётган онадай, җамият олдида ҳам, болаларим олдида ҳам юзи ёруғ аёлдай саодатманд сезаман.

Маҳалламиздаги тadbирларда ҳам аёлнинг оналик бурчини биринчи ўринга қўямиз. Чунки биз фарзандига бемехр онанинг яхши раҳбар ёки яхши ишчи бўлишига мулақоат ишонмаймиз. Гиёҳвандлик, террорчилик, ўғирлик каби ҳаётни заҳарловчи иллатлар ана шундай меҳрсизлик майдонида илдирилади. Биз оналик мажбуриятларимизни кўксимизга гул қилиб тақиб, бошимизга тож қилиб кийиб яшайлик.



Rayno IYLDOSHEVA — Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани “Мангитпилла” очик турдаги акциядорлик җамияти раиси:

- Бизнинг худудимиз ҳақида сўз кетаркан, албатта, Орол сувининг қуриши билан боғлиқ экологик муаммолар ҳақида гап очилади. Бу ҳақиқат. Аммо Конституциянинг XII боб, 55-мод-

дасидаги: “*Ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқлардир, улардан оқилона фойдаланиш зарур...*”, - деган жумлаларни ўқиб бир сергак тор-тасан киши.

Бу дунёда ҳеч нарса беҳисоб, беўлчов эмас. Берсанг қайтади. Мана, бизнинг пилламининг асосий емиши тут. Тут сув билан бўлади. Сув танқис, деб қараб ўтираверсак, 2001 йилда олганимиз 3850 кубти ипак куртидан қандай қилиб 200 тоннадан ортқ ҳосил олиб, шартномавий режани бажарар эдик?

Биз 78 минг дона тут кўчати экканмиз. Ҳар бирини боладай парвариш қилдик. Бизнинг шароитда чўпни кўклатиш осон эмас. Қанчадан-қанча меҳнату машаққат эвазига кўкартирдик ниҳолларимизни.

Шу тарзда интилиб, катта-кичик тўсиқларни енгиб яшаймиз. Жамоамизда 30 нафар ишчи бор. Топганлари ҳалол барининг. Ўзим, беш фарзандим билан деҳқончилик қиламиз. Давлат ишларида ҳам ишлайди болаларим.

Оилавий даромадимиз ҳисобидан “Нексия” олганмиз. Ишонамнинг қорига ҳам ғрайди.

**Замондошларимиз учун Ўзбекистон Конституцияси ўз ҳаётларининг, бугун ва эртасининг бир жонли бўлагига айланганлиги нақадар фахрли. Юртдошларимизнинг қадамлари, орзу-армонлари туташган бир муқаддаслик бор бу китобда.**

Саҳифани Қ. РАҲИМБОЕВА уюштирди



Мухтора МИРЗАЕВА — Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги аниқ-фанлар лицейи директори:

- “*Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинли-*

*ги ҳуқуқига эга...” VII боб, 29-модда. “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Мактаб ишлари давлат назоратидадир...” IX боб, 41-модда.*

Конституциямизнинг қайси боби, қайси моддасини ўқисак, бевосита биз маорифчиларга тегишли эканини, биз бу бурчлар бажарилиши учун ҳаммадан кўра кўпроқ масъул эканимизни ҳис қиламан.

Чунки кимлардир нималардир ишлаб чиқаради, буюми сифатсиз бўлса, эҳтимол яна бир уриниб ўнгласа бўлар. Аммо биз халқ, миллат тарбияланадиган муқаддас даргоҳда ишлаймиз. Ўқув масканимизда айни кунда 350 нафар истеъдодли ўқувчиларга 30 нафар атрофидаги тажрибали муаллимлар сабоқ беради. Биз шу кунларда мактаб бола-

нинг иккинчи оиласи бўлиши учун астойдил ҳаракат қилаймиз. Токи болаларимиз мактабни уйидай секин, ардоқласин. Мактаблардаги сабоқларга ишонсин. Уларни 45 минутда қолиб кетадиган илм эмас, ҳаёт деб қабул қилишсин. Ўқитувчиларга ўз ота-онасидай сирини айтсин, суянсин.

Душанба куни бўладиган маънавий соатларидан, ҳар бир синфда ўтадиган ҳафталик тарбия соатларидан ташқари, ҳар дарсда эътиқод, бурч ва ҳуқуқ ҳақида 2-3 дақиқа атрофида мулоқотлар бўлади.

Саодат китоби дея таърифланадиган Конституциямизнинг ҳар банди инсонни яхшиликка йўналтиришга, ўзини ҳаётда бахтли ва эркин ҳис этишга қаратилган.



Роза ОТАЖОНОВА — Хоразм вилояти, Хива тумани, Чинобод қишлоғидаги “Нодирбеғим Р. С.” фирмаси бошлиғи:

- Уллибоби чеварга шогирд тушиб, момом, онам-

лардан менга мерос ўтган касбни қилиб, катта-кичининг олқишини олиб юрганымда оддийгина Розабон тилувчи эдим. Бу-юртма қабул қилардим, вақтида эгасининг кўнглидагидай қилиб тикиб берсам, ҳақини олардим, вассалом.

Мустақиллик бўлиб, тadbиркорликка йўл очилгач, яхшиларга ҳавас қилиб шу фирмани ишга туширдим. Ён-атрофим, маҳалла-қўйдаги қизларни шогирдликка олдим. Биринчи ҳафтаданок фуқаро, тadbиркор сифатида ҳақ-ҳуқуқларим, бурчларимни билишим зарур эканлигини ҳис этдим. Ўзбекистон Конституциясининг IX боб 37-моддасида: “*Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда*

*кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга...”*, - деган жумла бор.

Мана шу қонун чироқ бўлиб юраётган йўлимни ёритиб туради десам, ишонаверинг. Ўзим яшайётган “Ал-Хоразмий” ҳўжалигидан ижарага бино олдим. Эр-хотин бор жамғармамизни сарфлаб ўз кучимиз, дўсту-ёрларни хашарга айтиб, бинони таъмирладик. Бино ишласа бўладиган маконга айланди. Ўн чоғли шогирд қизлар элдошларимизнинг буюртмаларидан ташқари, чақалоқлар, тўйболалар, келин-куёвлар учун либослар ҳам тикиб, сотувга чиқаришарди. Кўрна, ёстик, дастурхонлар, қийқимлардан чойнакпўш, тагликлар, идиш ушлақчилар ҳам тикамиз. Даромадимиз ёмон эмас. Бунинг устига шогирдликка ҳавасмандлар ҳам кўп.

### АХБОРОТ

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА

Ўзбекистон Конституцияси куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, “ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси ва “ЭКОСАН” Тошкент клуби (Рим клубининг филиали) ҳамкорлигида “Ўзбекистон: атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари” мавзусида халқаро учрашув ташкил қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Баҳодир Эшонов, халқаро “ЭКОСАН” жамғармаси президенти Юсуфжон Шодиметов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича кўмита раиси Қудейберган Жумабековлар маъруза қилишди. Барқарор экологик ривожланишга эришиш учун барча оммавий ахборот воситалари орқали аҳолининг экологик қонунчилик ҳақидаги билимини ошириш борасида кўпроқ ва кенгроқ маълумотлар берилиши лозимлиги учрашув иштирокчилари томонидан таъкидланди.

Лола АҲМЕДОВА



артезиан кудуги курдириб, сув чиқарди. Шу ерда 2,5 гектар ерга олма, нок ва бошқа мевали дарахтлар ўтказди. Қатор ораларига галла экди. Бундан ташқари яна 1,5 гектар очик майдонга буғдой уруғи қадади. Кейинги пайларда хўжалиқда қурилиш материалларига бўлган талаб кучайганлигини ҳисобга олиб, 1 гектар жойда теракзор барпо этди. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлган эмас, албатта. Ушбу партов ерларни тиклаш учун булдозер бир ҳафта ишлади.

**“Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини шакллантириш билан бир вақтда аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг муҳим омилли бўлиб қолмоқда”.**

**Ислом КАРИМОВ**

## ФЕРМЕР ОНАХОН

Челак туманилик “Табассум” дехқон-фермер хўжалигининг етакчиси Санобар опа Ҳотамованинг таржимаи ҳоли олдийгина: у 1942 йилда туғилган. 1972 йилда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини битиргач, аввалига мактабда ўқитувчи, сўнгра туман халқ таълими бўлимида йўриқчи, мактаб директорининг ўринбосари ва ниҳоят то нафақага чиққунга қадар боғча мудираси бўлиб ишлаган. 1994 йилда нафақага чиққач Санобар опа икки йил уйда ўтираолди, холос. Ишлаб ўрганган одамга бекорчилик тўғри келмас экан. Дехқон-фермер хўжалигини очишга қарор қилди. 4,5 гектар ер ажрати олиб, бир икки кўни-кўшиллар, неваралари билан биргалиқда дехқончилик қила бошлади.

Дастлаб, қишлоқ четидаги ман-ман деган хўжалик раҳбарлари ҳам сув чиқара олмаган партов ерда кичик

Умуман опа шахсий тадбиркорлик фаолиятини истиқлол галаба қилган дастлабки даврданоқ бошлаган. 1991 йилда туман марказидаги эски иморатни сотиб олиб буздириб савдомаиший хизмат мажмуи бунёд этганди. Ундан савдо дўкони, суратхона, сартарошхона, этикдўзлик устахонаси ва тиш доктори жой олган. Ушбу тармоқлардан тушган даромадлар эса дехқон-фермер хўжалиги ерларини тартибга келтириш, умуман унга асос солинишида асқотди. Янги хўжалиқдан ҳам мўмайдигина даромад туша бошлади. Фақат савоб ишга бел боғлаган Санобар опа 1998 йилда барпо этган боғининг ёнида, катта йўлнинг ёқасида “Табассум” номли икки қаватли ошхона курдириди. Опанинг меҳнатдан келтираётган даромади мўл.

Биргина бултурнинг ўзида етишти-

рилган буғдой ва помидорнинг ўзидан бир миллион сўмдан зиёд фойда

кўрди. Олинган даромаднинг кўп қисми савоб ишларга бахшида этилди. Жумладан, ўтган йили хотира ва қадрлаш майдонига 100 минг сўмлик ёритгичлар олиб берди, жорий йилда эса тумандаги 37 та кам даромадли оилаларнинг фарзандларини хатна тўйини ўтказиш учун катта миқдорда моддий кўмак берди.

Олти фарзанднинг онаси

булган табиркор онахон барча фарзандларининг ўқимишли бўлишига эришди. ТошДУ ҳуқуқшунослик факультети ва кейинчалик халқ хўжалиги институтини томоғлаган ягона ўғли Хуррам республика ички ишлар вазирлигида хизмат қилаётир.

Фарида педагогика институтини битириб, ҳозирги кунда Пайриқ туман болалар ижодиёти уйида директор бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Кейин-

ги қизлари Гулнора Челак туман ҳоқими муовини, Холида халқ хўжалиги институтини, Муқаддас педагогика институтини, кенжа қизлари Бахтигул эса ТошМини битирган. Уларнинг барчаси жамиятда ўз ўринларини топиб, уйли-жойли бўлиб кетишган. Бошқача айтганда, тиниб-тинчимас онахон 30га яқин неваранинг бувиси бўлиб, тез-тез улардан хабар олиб туради. - Афсуски, фарзандларининг камолотини хўжайиним Исмаи ака кўролмай кетди, - дейди Санобар опа ўқиниб. - У киши бўлганларида бундан ҳам кўп ишлар қилган бўлардик.

Шу ёғига ҳам шукур, онахон, дегим келди Санобар опага, агар сиздаги гайрат-шижоатнинг бир заррачаси ўша иш ахтариб юрган эркакларимизда ҳам бўлганда эди... Аёл бошингиз билан шунча савоб ишлар қилибсизми, барака топинг. Ўзингизнинг ҳам, бошлаган ишингизнинг ҳам умри боқий бўлсин.

Жамиятимизда сиз бош бўлиб турган хондондек оилалар кўпаяверсин.

**Хайрулла ҲАМРОЕВ**

### Яхшилардан сўз очдик

## УЛАР «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА ОБУНА БЎЛИШИ. СИЗЛАР-ЧИ?



Бегобод тумани, Ойбек жамоа хўжалигининг 4-бўлимида яшайдиган Турсун ота Суннатовлар оиласи газетамизнинг энг қадрдон муҳлисларидан. Турсун ота кампир Роҳатой момо иккиси 2002 йил учун обуна бўлганликлари ҳақидаги хабар билан тахририятимизга кириб кели иди.

- Газета хар бир хондонга зиё нурини олиб киради. Бизнесинг хондонимиз эса “Оила ва жамият” газетаси билан обод, - дейди Суннат ота.



- Инсон маърифатли бўлиши учун унинг дунёқараши, маънавияти бой бўлиши керак. Шунинг учун ҳам мен ўз сеvimли газетам “Оила ва жамият”га обуна бўлдим. Бу газетادا турмушнинг барча муаммолари ҳақида ёзилган мақолалар менга ёқади.

**Мамлакатхон НАЗАР-ЗОДА,**  
“Ўзбекистон Ҳаво йўллари” компаниясининг оператори



Ҳар чоршанба уйимизга “Оила ва жамият” азия меҳмон каби кириб келади. Шу кўни оиламиз аъзолари билан йиғилишиб газетани мутоалаа қиламиз. Айниқса, набираларим хурсанд бўлади. Ҳар бир оиланинг ўз сеvimли газетаси бўлиши керак. Бизники “Оила ва жамият” газетасидир.

**Раънохон МАРДОНОВА**  
Самарқанд вилояти,  
Жомбой тумани



70 йиллик умримнинг 50 йилини ёш авлодга дарс беришга бағишладим. Ўтган вақт ичида газета, журнал, китоб ўқиган талабаларнинг фикрлаши теран, тиник бўлишга ишондим. Демак, таълим-тарбияда ҳам газетанинг роли катта, у билимни оширади.

**Ҳожи Исмаиуллох АБДУЛЛОХ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор



Қасбим врач бўлса-да, хар бир кўнимни газета ўқиш билан бошлаганман. Ҳозир нафақадаман. Йиллар давомида газеталар меннинг энг яқин ҳамроҳларим, сирдошларимга айланган. Кўнглимга яқини, дўст бўлиб қолгани эса “Оила ва жамият” дир.

**Мўътабар АЗЛАРХОНОВА**  
Тошкент шаҳри



## СЕН ТИРИКСАН, ҚАЛБИМИЗДАСАН

шиб гишт ташиганда ёки йигитлардек машина ҳайдаганида. “Сен ўзи ўғил бўлиб туғилишинг керак эди, аяғ адашиб қиз қилиб туққан”, деб эркаклардилар. Турмушга узатганимизда ҳам оиламизда унинг ўрни билиниб қолганди, айниқса дадам кўпроқ соғинар, аям эса тез-тез бориб кўриб келардилар. Оллоҳ бу дунёда бандасини хар хил қисмат билан синайди, дейдилар. Бу синов бизга, айниқса ота-онасига ўзининг энг севган қизидан жудо этиш махри билан берилди. 1995 йил 8 март кўни тун ўз ўрнини тонгга бўшатиб бераётми ўзи билан сингилжоним Дилфузани ҳам олиб кетди. Оғир операциядан чиқмаган қизининг ўлимини кўриш ота-онага қийин экан. Унинг 3 ёшли Дилшод исмли ўғилчасининг пешонасига онасиз ўсиш қисмати ёзилганди. Она шунчалар буюк зотки... Дилфуза ҳам ўлимни олди-дан оналик меҳри ўлимини башорат қилган шекилли, ўғлини олиб келишларини, бир марта кўриш илинжи борлигини ёлвориб сўраганди. Афсус... уни

### Хотира — муқаддас

беллари ўз ишини қилган. Иситмалари чиқиб ахволлари оғирлашган. Уша кун ҳамма сингилларим уй-уйларига тарқалишган, аямнинг олдидарига ҳеч ким бўлмаган. Ҳанда...  
“Ярим тун, мени кимдир секин туртиб уйготди”, - дейди синглим Раъно. - Кўзимни очиб қарасам... қаршимда Дилфуза опам турибди. Тунги чирок ёруғида унинг оқ либосида туриши ўзгача эди. Одатда бундай учрашувлардан кўрқувдан юрак ёрилиб кетиши мумкин, лекин ўшанда негадир

мен кўрқмадим, биласизми, ҳатто ўшанда, сиз улган эдингиз-ку”, - демоқчи бўлган сўзим ичимда қалиб кетди. Дилфуза опам эса мени койидилар: “Нега аямни ёлғиз қолдирдинглар, йиқилиб тушганларидан хабарларингиз бор эди-ку. Тур ўрнингдан, ол болангни, юр аяжоним оғир ётибдилар, иситмалари баланд, ҳатто дори ичишга мажбурлар йўқ. Бориб қарайсан аямга, мен борсам кўрқиб кетадилар”, - деди. Мен эса ўзим ихтиёр этмаган изн билан опамни буйруғига бўйсундим. Янгиўлдан Халқрободгача 8-10 км бор, ярим тунда қўлимда болам билан бир зумда қандай қилиб келганимни билмайман.

Ҳа, бу сир-синоат оиламиздагилар учун ҳалигача сирли бўлиб қолган, фақат бир мўжда аниқ: фарзанд билан онани бир-бирига боғлаб турган меҳр рившаси Дилфузанинг руҳини тинч кўймаган. Тириклигида ҳам бошқа сингилларимга қараганда Дилфуза аямга, нафақат аямга, балки барчамизга меҳрлироқ, муҳаббатлироқ эди. Энди у йўқ, айна очи-

лаётган гунчадек даврида, 25 ёшга етмай бизни доғда қолдириб кетди. На илож, ўлим ҳақ. Унинг олдида бандаси оҳиз экан-ки, биз ҳам Дилфузамизни ажал чангалидан олиб қолмадик. У менинг тутинган синглим бўлсада унинг меҳр-муҳаббати ҳавас қилгулик эди. Биламан, ҳозир ушбу хотиротларни ширмон аям кўзда ёш билан ўқиятилар, (“Оила ва жамият”га обуна бўлганлар) шу боис икки сатр дил сўзимни билдирмоқчиман: “Аяжоним, йилгаман, бу хилқатнинг армону-ўқинчлари бисёр, сиз уларга асира бўлиб қолманг. Олтита қизингиз ва менинг бахтигимга доимо соғ бўлинг. Сиз хали бизга кўп кераксиз, ўзингизни аяғ, аяжон. Ахир мен кўп айтаман-ку, “Сиз хали неварамни уйлантиришингиз керак”. Бас, шундай экан уйимизнинг тўри сиз билан файзли, Дилфузанинг жойи жаннатда бўлсин, илоҳим, Биз ҳаммамиз қабри нурга тўлгур Дилфузабегимдек сизни севаимиз”.

**Сизнинг тутинган ўғлингиз Дилшод ҚУЛДОШЕВ Каттакўрғон шаҳри**



**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
Ўзбекистон халқ шоираси



**СЎЗИНГИЗ ХОКИСОР,  
СЎЗИНГИЗ ИТЛИО**

Парданинг ортида сўз айтганларим,  
Барин парда орти тортиди комига.  
Сизни яратдию Оллоҳи карим,  
Рўбарў этдим синов домига.

Гарчанд қалин парда ортида толган,  
Бири Хирот, бири Балхдан чиққандир.  
Ишқи ишқ элига келмаган асли,  
Робия Балхий халқдан чиққандир.

Бир-бирин Мехри-ю Гавҳаршод бегим,  
Ҳамон ёмон кўздан кўриб ўлтирар.  
Эгачи опадай Увайсий ҳам жим,  
Мохларойим сочин ўриб ўлтирар.

Кўз ўнгимда шу ҳол, навбахор фасли,  
Бугундан минг йиллар кетганман нари.  
Гўёки дунёга келмаган асли,  
Элимнинг қўли кир Насруллолари.

Улуғ оналарим, сўзларим қайтди,  
Улуғмиз ҳар улуғ жойдан-да энди.  
Мангу кўрадиган кўзларим қайтди,  
Халқим суринмагай майдонда энди.

Сўзингиз хокисор, сўзингиз тилло,  
Замонлар пардасин қок ёриб ўтгай.  
Халқнинг оналарин сўзлари, илло,  
Махшар кунигача халқ билан кетгай!

**МАНГУ ПОРЛАР ЎТ  
ИККИ ШОНИМ...**

Саида Зуннунованинг  
75 йиллигида ўқилган шеър

Саидаҳон, Саидаҳоним,  
Сизни десам титрайди жоним.  
Гарчанд ниҳон, кўздан нарисиз,  
Кандоқ малак, кандоқ парисиз.

Узун ҳаёт бўлди кўприк, қил,  
Бир жононга беролмади дил.  
Тушларида севиб, йидириб,  
Ўнгларида ўтда куйдириб.

Бир эркакни этдингиз сарсон!  
Юз йил куйди сиз учун бир жон.  
Яна кимни —  
Эркакларнинг шўх, жононини,  
Ўзбекистон қахрамонини!

Булар ҳазил, чиндан келайлик,  
Уй кўрмади бошқа бир қайлик.  
Кувонч-гами кўшу-кўш бўлди,  
Ёстигининг ярми бўш бўлди.

Тўлдиргувчи, ўлдиргувчи ишқ,  
Узун умр унга туш бўлди.  
Саидаҳон тунда у билан,  
Тонгда учиб кетар қуш бўлди!

Омон бўлсин, жуфти-ҳалоли,  
Ундан ёдгор Нодира-боли.  
Доб бор умрин тиколган Инсон,  
Шул қадарли юксалган Инсон!

Ёдга тушар қалтис йилларни,  
Тигда юриб ўтказганлари.  
Ёлғизликнинг тунларин тошда,  
Михда юриб ўтказганлари.

Ўтди, қувиб ғам-шон ўтдилар,  
Ҳар доводдан полвон ўтдилар!  
Ўтди, аммо бир ох ўтмади,  
Юрагидан бир доғ ўтмади.

Шеър саҳнидан бошқа бир сокин,  
Саидадай булок ўтмади.  
Гарчанд хижрон, гарчанд фироқсиз,  
Эл онгда ёнган чироксиз.  
Мангу порлар ўт - икки шоним,  
Саид Аҳмад, Саидаҳоним!

**Шеърят дафтаридан**

**ТУРКИСТОН ТАРАФЛАРДА**

Баъзан Машраб саланглаб, осилиб турар Балхда...  
Хотиротдан жунжикиб, бўғзим бўғилиб талхда.  
- Иншооллох, - дегайман, Машрабин сўрар халққа,  
Тикилмагай энди дор, Туркистон тарафларда...

Бугун кўнгилга тушган барқ бизни кўтаради,  
Фиску-фужур кирмас дил-берк, бизни кўтаради.  
Оллоҳдан умид шулки, Эрк бизни кўтаради,  
Кизармагай энди қор Туркистон тарафларда.

Энди бойи бир-бирин кўзин чўкиб кетмагай,  
Шоирлари бир-бирин сўзин чўкиб кетмагай.  
Бирин чоҳ дарёсида бири чўкиб кетмагай,  
Йўқ денг поймол, йўқ денг хор Туркистон тарафларда.

Бошига келган шонни энди шон денг чинданам,  
Гўдагин пучаги йўқ бўлик дон денг чинданам.  
Энди шайху-муриди мусулмон денг чинданам,  
Шоҳдир номус, шоҳдир ор Туркистон тарафларда.

Энди боғ булбул қолиб зоғини сайламагай,  
Кўнгилни ёйламагай, кўз ёшни сойламагай.  
Энди гижжак инграмас, най нола айламагай,  
Энди йигламагай тор Туркистон тарафларда.

Деманг бири Чин-Мо-Чин, бири Дашт-Қипчоқ бўлгай,  
Бир-бирининг юкига елка тутар тоғ бўлгай.  
Ҳар бири бўлмаганда Муқанна, Широқ бўлгай,  
Ҳар муслим тик сарбадор Туркистон тарафларда.

Энди турмоқ онидир, эй, энди тикланмоқ они,  
Энди дунё кўрар эрkning қарқарали қалққанин.  
Энди болаларига бало келса, қалқони—  
Соҳибкирон туғи бор Туркистон тарафларда.

Энди эрkning ҳавоси дала-тузни ўстирар,  
Иншооллох кўнгилда энди эрқдай дўст турар.  
Энди ер парчинсиз, энди бизни ўстирар,  
Амир Темур руҳи бор Туркистон тарафларда!



**МЕН ЙЎҚЛАСАМ**

Кампирларнинг камайди сафи,  
Яна бирин қора ер ютди.  
Енг ёқаси ёпиқ, арабий,  
Кўйлак кийган бир кампир ўтди.  
Ғимир, ғимир онам Боёвут,  
Авалгидан ғамгинроқ энди.  
Ҳовлимизга соя солган тут,  
Балки онам билан у тенгдир.  
У ўлганда зор кишнаган от,  
Чақноқ кўзи тўниб бормоқда.  
Балки у ҳам мен каби ҳайҳот,  
Айрилиққа кўниб бормоқда.  
Аммо... онам ёқиб кетган шам,  
Ёниқ турар кўнгилм тўрида.  
Мен йўқласам, йиғласам у ҳам,  
Агдарилса керак гўрида...  
Кампирларнинг камайди сафи...



**ЎҒЛИМ, СЕНГА  
АЙТАМАН**

(Боши ўтган сонларда)

Ўзининг химоясига ярайдиган одам  
бола-чакага келган хатарни даф қила  
олади, ўз остонасини асрай олсагина,  
ватан химоясига ярайди. Болаларинг-  
ни жуда ёшлигидан спорт турларига  
қатнаштира. Хонадонингда ҳам бир  
қатор спорт анжомлари ва шугулланиш  
имконлари бўлсин.

Айна шу ишлар отанинг вазифаси-  
дир.

Ўғлоним, ўғлонингни мактабга кирган  
захоти ҳар бир бозор борарда ёнинг-  
да олиб юр. Нарса танлаш, савдола-  
шиш илмини, бозор муомаласини  
ўргансин. Қишининг ғамини ёзда ейиш  
йўлларини тушунтириб бор, заҳирада-  
ги сабзи-пиёз, ун-гурчуларни сақлаш  
сирларини ёшлигидан ўқдир.

Ҳар баҳор, ҳар кузда кўчат бозорла-  
рини айлантир. Боғбонларнинг сўзла-  
рига қулоқ тутдир, токи боғ ишига  
ишқи тушин. Ўғлон болам, юрагинга  
туғиб қўй, йигитнинг сараси боғпараст  
бўлади ва иморат солади! Кўчат эккан-  
ларингни, ҳовлингнинг ҳали у ерини  
текислаб, ҳали бу ерини оқлаб, бўяб  
юртиларингни боланг кўриб турсин.  
Шундагина сен яшаган жойлар сендан  
кейин вайронага айланиб кетмайди!

Оға-инилар бир-бирини қачон суймай  
қолади, ҳатто бир-бирига душманга  
айланишгача боради?! Қачонки, ўрта-  
га аёллар тушган ва яна, ота-оналар-  
нинг болаларга нотўғри муносабатла-  
ридан сўнг! Бандасини гўрида ҳам тинч  
қўймайдиган нарса ўзидан тарқаган-  
ларнинг ўзаро ноиттифоқлигидир!

Ўғлоним, ота-оналик — заргарликдан  
ҳам нозик иш. Ҳеч қачон укасининг ол-  
дида акасини сўкма. Сўкиш эшитиш —  
уятли ҳолат. Шу ҳолатига гувоҳ бўлиб  
қолгани учун, укасини ёмон кўриб  
қолади. "Уканг ё аканг сендан минг  
марта яхши, ишни фалончилардан  
ўрган" қабилидаги танбехларни асло  
айтма! Болада ўша жигарларига нис-  
батан ғайрилик пайдо бўлади! Ҳеч  
қачон фарзандларингни бирини бири-  
дан ортиқ кўрма ва алоҳида ажратиб  
мақтайверма. Бошқаларида ўқсиниш  
пайдо бўлади. Ўқсиниш маълум дара-  
жада синишдир. Бу ҳам болалар ора-  
сида зимдан низо тугдиради.

Ҳадиси шарифда: "Болаларингизга  
хурмо совға қилсангиз ҳам, тенг тақсим-  
ланг. Агар бировга битта ортиқ берган  
бўлсангиз, қайтиб олинг ва уни яна тенг  
бўлиб тақсимланг", - дейилади.

Фарзандлар ўзидан ўзи ёмон-яхши  
бўлиб қолмайди. Уларнинг феъли ота-  
оналар қилган савоб-гуноҳлар ёки улар  
бераётган тарбиянинг тўғри-нотўғри-  
лиги натижасидир! Болаларни бири-  
ни бирига ёмонламайлик, бирига қан-  
дай танбех берганимизни иккинчиси  
эшитмасин. Улардаги камчиликлар  
бизнинг касримииз туфайли пайдо  
бўлгани учун ҳам, айбларини уялиб  
юриб, ичимизда узрлар сўраб юриб,  
оғриқсиз бартараф қилишининг пайида  
бўлайлик.

(Давоми бор)

Турсунои СОДИКОВА

**ОДАМ ОДАМГА ҒАНИМАТ**

Мен яхши аёллар ҳақида гапиришни ёқтираман. Менинг Кумри холажоним ана шундайлар сарасига кирадилар. Холажоним Тошкентдаги 99-мактабда 40 йил бошланғич синфларга дарс берган, юзлаб қора кўзларнинг "Менинг биринчи ўқитувчим" деган сўзларини эшитиш бахтига эришган табаррук аёл. Беш фарзанд: 3 киз, 2 ўғилнинг меҳрибон, жафокаш онаси, 12 набиранинг доно, билимдон бувижониси.

Мен жуда ёшлигимдан хо-

ламнинг тўғри сўзлиги, камтарлиги, ғийбату фиску-фасодни ёмон кўриши, энг ёқтирмайдиган одамларидан гап очилса ҳам мавзу-

**Фақат сизга аталган сўзим**

ни бошқа томонга буриб ғийбатга йўл қўймаслигига қойил қолардим. Нопок йўллarga юрадиган аёлларга ниҳоятда қаттиқ ғазаб билан қарайдию, лекин уларнинг ҳам орқасидан гапирмайди. Вақтларини кўп қисмини

дарс қилиш, китоб ўқишга сарфлардилар. Фарзандларини ҳам яхши фазилатли инсонлар бўлишига қатта эътибор қилардилар. Қиз-ўғилларни вояга етказиб уйли-жойли, илмли бўлишига жон куйдириб тинмай елиб-югуриб нафақа ёшига ҳам етдилар. Нафақада ҳам қўлларидан китоб тушмади. Уз умрининг асосий қисмини мактабда болалар ичиди ўтказган, хозирги

кунда қариллик гаштини сураётган холажоним Кумри ҳожи онамиз бу йил муборак 63 ёшдалар. Пайғамбар ёши-ни фарзандлар, набиралар даврасида соғ-саломат қаршилаётган холажон, янги асрда муборак ёшга етказганига минг-минг шукрлар айтиб, эл-юртга тинчлик-омонлик сўраб дуога очган қўлларингиз толмасин, умрингиз узок, тану-жонингиз соғ бўлсин. Фарзандлар, набираларингиз - ҳаммамизнинг бахтимизга соғ бўлинг. Фарзандларингиз қаторида қизингиз

ФАРИДА

# НОМАЪЛУМ ҚИЗ, РАҲМАТ СИЗГА!

«Оила ва жамият» газетасининг интизорлик билан кутиб, олиб ўқийман. Хеч қайси сонини ўтказиб юбормайман. Газета ҳаётим мазмунига айланган десам, хато қилмайман. Чунки мен ҳам ҳаётда озгина адашиб, қоклиб энди ўзимни ўнглаб олдим. Турмушимдан қайтганман. Пойтахтда тўқимачилик комбинатида ишлайман. Ишимдан, ҳаётимдан нолимайман. Оллоҳга шукр, яқинда ўзимга яраша бошпана қилиб олдим. Иш жойим ҳам тинчгина, жамоамиз яхши, кўшнилари билан ҳам иноқ яшаймиш. Сизларга ҳар доим мактуб йўллайман дейман-у, яна андиша қилардимми билмадим, ҳеч ёзолмасдим. Бугун ёзишга мажбур этган воқеа сабабчиси - ота-онам.

Меҳрибон, азиз, қалби пок, ҳудожўй ота-хоним ва онахоним менга қуйидаги воқеани сўзлаб беришди-ю, яна ачиниб ҳам қуйишди. «Энди у қизни қаердан топиб раҳмат, деймиш», деб... Воқеани бир бошдан асли берай.

Биз азиб бухороликмиз. Оилада 10 фарзанд вогага етганмиз. Ота-онанинг менадан ташқари барча фарзандлари Бухорода яшашди. Онам озгина соғлиқлари панд бериб даволаниб юрибдилар. Қари-

ганда бобо-бувилар доим бирга юришаркан. Шунинг учун онам давлангани бирор сихатгоҳга йўлланма олсалар дадамга ҳам қўшиб албатта иккита оладилар. Онам ота-онамга Фарғона шаҳридаги шифохонага йўлланма олиб берибдилар. Фарғонага Тошкент орқали бориш керак экан. Шунда қўшиллар: «Тошкентда ёмон одамлар кўп, сумкаларингизни юлиб олиб қочишади. Ундан ташқари борадиган манзилнингизни сўрасангиз тўғри тушунтирмаддан бошқа жойни кўрсатиб юборишди», - деб ота-онамини кўрқитишади. Наилоҳ, йўлланма қўлларидан, нима бўлса пешонамиздан кўрамади, деб йўлга чиқишган. Мен кўнгирак қилиб кутиб олишимни айтдим. Ҳар эҳтимолга қарши уй манзилимни ёзиб олдиди.

Мен кўнгирак қилиб ҳаттоки улар ўтирган автобусни билиб олдим. Мен: «Отчо-лар бозоридан кутиб оламан», - деб айтдим. Ота-онамлар автобус ҳайдовчисига манзилим ёзилган қоғозни кўрсатиб: «Қайси бекатдан яқин», - деб сўрашса ҳайдовчи: «Метро бекатидан», - деб айтиб, ўша ерга туширибди. Кейин булар С. Раҳимов метро бекатига тушиб Чилонзор бекатидан чиқишди. Бир-икки йўловчига манзилим-

ни кўрсатиб сўрашса, бекатни кўрсатиб: «69-автобусага ўтиринглар, олиб боради», - деб айтишибди. Шунда бир қиз уларни қийнаётганларини кўриб дадамга: «Сумкангизни беринг амаки, мусофир экансизлар, қийналиб кетганга ўхшайсизлар, ўзим кузатиб қўяман», - дебди. Дадам саз хавфсизраб: «Майли, қиз бола-ку, алдамас ахир», - деб қатта сумкани бериб ўзлари онамини етказиб олганлар. Қиз такси олдига бориб қоғозни кўрсатиб: «Мана шу манзилга буларни олиб бориб қўйинг», - деб йўл ҳақини сўрабди. Ҳайдовчи: «800 сўм», - деб айтса шартта чўнтагидан 4 та 200 сўмликни олиб берибди. Дадам ҳайдовчига: «Ўзим бераман, беринг бу қизни пулини», - десалар, қиз кўймадсан: «Амаки, пул экан-ку бу, жонмас, пул топилади - одам топилмайдди. Яхши этиб олинглар», - деб эшикни ёпиб жўнатиб юборибди. Дадам қўлларини дуога очиб у қиз ҳақида яхши ният қилибдилар. Мен энди уларни кутиб олгани автобекатга бораман, деб турсам, юзларидан нур ёғилиб ўйимга кириб келишди. Улар кела солиб у қизни таърифлаб кетдилар. Мен эса: «Хавотир олмаглар, мен газета орқали у қизни топаман», - дедим. Мана шунақа гаплар. Шу

воқеа туфайли дунёда яхшилар борлигига яна бир бор амин бўлдим. Агар шу қиз бу газетани олиб ўқиган бўлса, гап ўзига нисбатан айтаётганини билиб олса керак, деб ўйлаб бу мактубни битдим. Мактубим орқали чўкур миннатдорчилик билдираман ўша номаълум қизга. Дарвоқе, бу воқеа 14 сентябр куни соат тахминан 16 ларда Чилонзор метро бекатида содир бўлган.

Номаълум қиз! Сизга чўкур миннатдорчилик билдирган ҳолда, мана шундай рўзая рамазон кунларида сизга барча эзгу ниятларингизга етишувингизни ва ота-оналаримизнинг дуоларига сазовор бўлиб юришингизни яратгандан сўраб қоламан.

Айтгандай, сизни: «Ўстирган ота-онангизга раҳмат», - деб айтдилар дадажоним. Номаълум қиз деб ёзганимга хафа бўлмайсиз, деган умиддаман. Агар яна шу отахон-у, онахонни қўришни хоҳласангиз. Улар яқин кунларда яна келишади. Манзилимни тахририятга кўнгирак қилиб сўраб олиб, келинг, азиз меҳмонимиз бўласиз. Фурсатдан фойдаланиб, яратгандан мустақил ўзбек халқига тинчлик, омонлик, юртимиз осмонда ҳамиша қўшев порласин, деб сўраб қоламан. Рўза тутганларга қувват, иймон тилайман.

НОДИРА

Бундан бир неча йил аввал биз Ахрор акам билан йўлда танишиб қолдик ва жуда яхши муомалада гаплашиб хайрлашдик. Орадан кунлар ўтиб биз яна тасодифан учрашиб қолдик. Улар ҳеч қандай ишқимлик қилмай мен билан сазимий муомалада бўлиб гаплашар эдилар. Мен эса шундай йигитни орзу қилган эдим. Шу зайдда ой-

рида оналар билан келишибди ва кўшнликни қилиб бизни оиламиз ҳақида сўрашибди. Шунда қўшимиз: «Отаси ичоди, оиласи яхши эмас», - деб уларни қайтарибди. Шу воқеадан



хоримни ёзишимдан мақсадим, азиз сингилжонлар, ота-онангиз сўраб суриштирган инсонга турмушга чиқсангиз хато қилмайсиз-

Ёшим 21 да. Мактабда ўқиб юрган кезларимда синфимиздаги Алишер исмли бир йигит мени севиб қолганини сезиб қолган эдим. Али-

ганини айтмасдим. Чунки дугонам Собирни севар, унинг сўзларига ишонар эди. Уларнинг оралари бузилишини, Зебони руҳан азоб еишини истамас эдим.

Орадан кунлар ўтиб, ёзги йигит мени севиб қолганини сезиб қолган эдим. Али-

## ҲАЁТИМДАН МАМНУНМАН

лар, йиллар ўтди. Борган сари уларга ўрганиб қолаётганимиз ва кейинги ҳаётимни улгарис тасаввур ҳам қила олмаслигимни сездим. Ушдан мен эндигина 17 ёшда эдим. Уйимизга совчилар кела бошлади.

Кунларнинг бирини Ахрор акамга совчилар келаётганини айтдим. Эртаси куни улар ўз машинала-

кейин Ахрор акам жим бўлиб кетдилар. Мен тақдирга тан бериб сабр қилдим. Онамининг қариндош-уруғларнинг маслаҳатлари билан турмушга қичдим. Ҳозир икки нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим жуда яхши инсонлар. Қайнонам ҳам тушунган аёл, ёмонимни яшириб, яхшимни оширадилар, уларга минг раҳмат. Ушбу дил из-

лар. Ахир улар кўпни кўришган ва ўз болалигига ҳеч қачон ёмонликни раво қўришмайди. Менинг фикримча, шундайгина мустақил ўзбекистонимизда янги-янги мустақкам оилалар ва соғлом фарзандлар дунёга келади.

Тошкент шаҳри  
ДУРДОНА

## ЁЛҒОН СЕВГИЛАРГА ИШОНМАН

шарни севишини саломлашишдан, кўзларини узмай қарашидан, бир нималарни баҳона қилиб сўрашдан, бошқа синфдош йигитлар билан гаплашсам рашқ қилиб қарашидан сезиб юрар эдим. Лекин у йигит бироз уятчанлигидан менга севиғи излар ҳор қила олмаган эди. Аста-секин кунлар ўтиб мактаб тугаганини ҳам билмай қолиб-миш. Тақдир тақозоси билан ҳар бир йигит-қиз ўзлари хоҳлаган олийгоҳларга ўқишга тарқалиб кетишди. Мен ҳам ўзим хоҳлаган шифокорлик олийгоҳига ўқиш кирдим. Ҳозир мен олийгоҳнинг 2 курс талабасиман. Устимга оқхалат кийиб ўқиб юрганлигимдан фахрланаман. Шу олийгоҳда ўқиб юрган Собир исмли бир йигитни севиб қолдим. У йигитнинг юриш-туриши, одоби, муомаласи жуда ёқар эди. Кунлардан бир куни дугонам Зебо тўсатдан менга Собир билан севишиб юришганини, Собир унга: «Сенга уйланаман, сени каттиқ севаман, сени ҳеч кимга алишмайман», - деб ваъда берганини айтди.

яқшанба куни тўсатдан дарвозамиз тақиллади. Юғриб бориб дарвозани очсам, не кўз билан кўрай-бошқа синфдош йигитларнинг опаси бир аёл билан дарвоза ойнада турар эди. Уйдан ёним чиқиб меҳмонларни уйга тақлиф қилди-хар. Меҳмонлар кетгандан сўнг улар менга севиғи бўлиб келишганини оймидан эшитиб Алишернинг ҳақиқий мард йигит эканини тушуниб етдим. Севиғининг нималигини, севиғининг қадрига қиллар этиб, кимлар етмаслигини англай олдим. Орадан 3 йил ўтган бўлса-да, Алишер мени унутмаганини инобатга олиб унга, турмушга чиқишга ўз хошим билан рози бўлдим.

Мен ҳали ўқини тугатман бўлсам ҳам тез орада тўйимиз бўлиб ўтди. Худода минг қатла шукрлар бўлсинки, бир бахтли оиланинг бахтли келинчагини, Собир унга: «Сенга уйланаман, сени каттиқ севаман, сени ҳеч кимга алишмайман», - деб ваъда берганини айтди.

Ҳурматли қизларжон! Сизлардан илтимос, баъзи бир номард йигитларнинг ёлғон севиғисига ишониб, сизни чин юракдан севган йигитингизни ноумид қилиб, унинг севиғисини оёқ ости қилманг. Номард йигитларнинг ёлғон севиғисига ишониб ўзингизни қадр-қимматингизни, иффатингизни, қизлик ғурурингизни хор қилманг.

ЛОЛА

## ТОҲИР — ЗУҲРАГА ЎХШАШСА ЁМОНМИ?

Синглим Г. 2000 йил 15 сентябр куни тўйу томошалар билан қўшни қишлоққа келин бўлиб тушди. Лекин борган кундан бошлаб қайнонаси ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деб кун бермади.

Кув ёйигит ҳам ўзига мос эди. Синглим 8 ой деганда бошқоронги бўлиб, ҳўл мева еишини кўнгли тусоган. Турмуш ўртоғи ҳрўлида пишиб турган қора узумдан бир бошгина узиб келиб синглим билан чоини бирга ичишиб ўтирганларидан, уйдаги овсини қайнонасига: «Г. узумларни, анорларни еб қўяпти», - деб ёмонлабди.

Қайнонаси бу келин хону монимни кўйдирди, бу келин очофат экан деб қилдан қийқ, ишидан айб ахтариб, жанжал қиладиган бўлиб қолибди. Синглим бир куни уйга йиғлаб кириб келди. Дадам билан онам: «Ха қизим, тинчликми?» - деб сўрадилар. «Кир ювсаман деб ўчоққа сув қўювдим қайнонам ўтинларни пулга олдик, деб ёнаётган ўтинларни ўчоқдан олиб отиб юборди», - дебди. Дадам билан онам: «Хафа бўлма қизим, қари одам гапириверади. Бор, кирларингни олиб келиб шу ерда ювиб уйингга ҳеч нарса қўрмагандай боравер», - дейишди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас кечки пайт, шомда Г. яна йиғлаб келди. «Тинчликми?» - дейишди уйдагилар. «3-4 кундан бери қайнонам гапиривериб ҳеч чарчамайди, ammo менинг бошим оғриб, сиқилиб кетдим», - деб йиғлади. «Майли болам, хафа бўлма, орқангдан одам келса шу ерда гаплашамиз», - дейишди ота-онам. Орадан 15 кун ўтиб ўртада туриб совчилик қилган С. опа кириб келди. «Қудаларинг айтиб юборишди, ясан-тусан қилиш-

ни билармишу, уйда ҳеч иш қилмас эмиш, мева-чеваларни хомхаталя исроф қилаётган эмиш», - деб биргала гапни гапириб чиқиб кетди. Кейин кувимиз келиб онамга: «Жон онажон, илтимос Г.ни бизниқига ўзингиз олиб боринг, олиб қоламан», - деб ялиниб, ёлворди.

Эртасига онам, момом, маҳалла қўмитаси раиси, икки амаким билан синглимни олиб уйга боришди. Уйдан кув ёйигит хурсанд бўлиб югуриб чиқиб: «Келинлар, онажон», - деб кутиб олибди. Қайнонаси эса қўшиниқига ўтиб кетган экан. У ердан чиқиб сайрай кетибди. Маҳалла оқсоқоллари, қўни-қўшиллар ҳаммаси насихат қилишса ҳам, қайнона: «Буни энди келин қилмайди», - деб туриб олибди. «Келиннинг нима ёмонлик қилди, айби нима», - дейишса, қайнонаси: «Ўғлим билан уйга қоронги тушганда кириб кетади, сув сеппини билмайди, қўчандан ўтганларга сув сепиб юборади», - дебди. Оқсоқоллар бўлса: «Шунга шунамчи, сизга гап қайтармасан, эсли-хушли келин бўлса, камчилиги бўлса ўргатинг, йўл-йўрқ курсатинг», - дейишди. «Йўқ, менга бунақа келин керак эмас, ҳаммаларинг йўқларингиз уйимдан, чиқиб кетинглар, бу уйда ўзим оқсоқолман», - деб бақирибди. Шунда оқсоқол: «Икки ёш бир-бирига муносиб, Тоҳир-Зуҳрага ўхшаб севишса нимаси ёмон? Уларнинг уволига қолиб, у дунёда дўзахда қуйман тагин», - дейишди. «Номаълум қилибсанлар, йўқларинг, икки дунёда ҳам хотин қилдирмайман ўғлимга», - дебди қайнона. Шунда амаким: «Бўлмаса, қўни юклаглар, бу хотин ўғлини ҳам, келинини ҳам тинчитмайди», - деб нарсаларни йиғиштиришга киришибди.

Кувимиз бўлса Г.ни маҳкам ушлаб: «Кетасаним, рўзгор қилмайми?» - деб қўйиниб йиғлаудек бўлиб сўрабди. «Бошқа жойдан уй олиб кетсангиз, рўзгор қиламан», - дебди Г. Кув ёй бўлса: «Ўзимни улдираман», - деб югурибди. Бемехр онаси эса: «Ўлдирса ўлдирсин, 5 та ўғилдан биттаси кам», - деб бақирди.

Қўни-қўшини аёллар ҳам Г.ни юзларидан ўпиб, йиғлаб хайрлашибдилар. Шундай қилиб кўчларни уйга олиб келишди. Орадан бир кун ўтиб онам Г.ни шифокор хузурига олиб борди. Хомиласи 3-оайдан 4-ойга ўтган экан. Г. кўп сиқилишдан шифохонада беҳуш бўлиб йиқилибди. Шифокорлар укол қилиб ўзига келтириб, нима гаплогини онамдан сўрашибди. Онам бўлса рўзгорни бузилганлигини айтибди. Шифокорлар хомиладор аёл бунақа сиқилверса оқибати ёмон бўлишини, балки фожиа ҳам юз бериши мумкинлигини қайта-қайта тайинлашди. Синглимга раҳим қиладди. Ранглари бир аҳвол. Бу икки ёшнинг бахтига овсини, қайнонаси зомин бўлишмоқда. Кўшнинг ҳам уни бузилмасин экан. Синглимга ва кувимизга жуда қийин бўлди. Тақдирлари охири нима бўлар экан? Кувимиз: «Менга бошқа хотин керак эмас», - деяпти экан.

Аmmo онам, амакиларни: «Буларни энди яраштирмайсиз. Қудахола бизни беҳурмат қилиб юборди», - деб айтапти. Мен бўлсам икки ёш қаерда бўлса ҳам бирга яшашини хоҳлар эдим.

Атир гулнинг шохлари, Нима учун қайрилади. Бир бирини севганлар, Кимларни деб айрилади.

МУНАВВАР

Фарғона вилояти

## МАТОНАТЛИ ИНСОНГА ДОИМО ИҚБОЛ ЁРДИР

Хурматли синглим Р., сизнинг изтиробларингизга шерикман. Сизга Оллоҳдан сабр-бардош сўрайман. "Ота — рози. Худо рози. Она рози — пайгамбар рози", - дейишади. Иншооллоҳ сиз бахтли бўлиб кетасиз. А. акангизга фақат бахт, яхши кунлар ва ўзингиздек оқила бир жуфти ҳалол тилаб яшанг! Агарда менинг шеъримдаги баъзи жумлалар сизга оғир ботса, мени маъзур тутинг. Сиз билан хат орқали топишиб, дўстлашишни нақадар хоҳлаётганимни билсангиз эди...

Хаётда ҳеч кимга, ҳеч қачон хиёнат қилманг. Хиёнатни Оллоҳ ҳеч ҳам кечирмайди. Қайнона-қанотангизнинг, умр йўлдошингизнинг хизматларини сидқидилдан ба-жаринг. Шунда қалбнингизга Яратганни ўзи таскин беради. Қайнона-ю-қайнотангизнинг ардоқли қизи бўлиб қолишингизни истардим.

**Миттигина елкангда "оила юки" бордир, Мард ва танти бир йигит сенга вафоли ёрди.**  
**Ўз ёри уйда туриб бошқани ёр демоклик, Ўзбек йигит-қизига билсанг жудаам ордир.**  
**Хиёнат у ёлгонни кечиролмас ҳеч киши, Хиёнаткор кимсага Оллоҳдан жазо бордир.**  
**Сабру-бардош сўрадим сенга Оллоҳдан бу кун, Матонатли инсонга доимо иқбол ёрди.**

Райхон АШУРОВА

Фаргона

## ҲАҚИҚАТАН СЕВГАНИНГИЗДА ЭДИ...

Синглим, сизда ҳақиқий сеvgи бўлмаган, сеvиш, сеvилиш нимадегиси билмас экансиз. Агар ҳақиқатан сеvганингда эди, унга эришиш учун курашган бўлардингиз. Тўғри, тушунаман, дадангизга буни айтолмайсиз, лекин онангизга бор гални тушунтириш мумкин эди.

«Сиздан кечиб менга осон бўлмади»—38-41-сонлар



**ЭСЛАТМА:** Мен ўзим истаган касб — шифо-корликка ўқиш билан бирга ҳамшира бўлиб ишламан. А. исмли йигитни учратиб, ёқтириб қолдим. У ҳам мени севади. Лекин ота-онам мени узоққа беришмайди. Улар А. билан муноса-батимни билиб қолиб, мени уришдилар. Кейин неча йилдан буён менга уйланиш орзусида юрган Х. исмли йигитга унаштиришди. Онамни деб А. дан кечибга мажбур бўлдим. Тўғри қилимми?

Ҳозирги кунда бошқа бир йигитга унаштирилган бўлсангизда, "Олдин сеvган акамни кўриш учун ишга бораман", деб ёзибсиз. Маслаҳатим, энди ўзингизни кўлга олинг. Муқаддас оила остонасига қадам қўйибсиз, қўшганинги билан кўша қариб, яшаш учун дилу ниятингизни пок қилинг. Ўзбек аёли азалабад ўзининг шарм-хаёси билан ажралиб турган. Аёл, она муқаддас зот. Шу номга лойиқ бўлинг.

Р. ҒАФУРОВ

Навоий шахри

## МУҲАББАТ БУ ҲАЁТ ДЕМАКДИР

Ёшим 17да. Отабек ака, сизнинг дил изхорингизни ўқиб, икки ўт орасида қолганлигингизни юрак-юрагимдан ҳис қилдим. Сизнинг жасоратингизга, чин муҳаббатингизга қойил қолдим. Қу-неда шундай йигитлар ҳам борки, қалбига озор етказган қизни хўрламасдан қўймайди. Сиз бундай номасқул ишни ҳаёлингизга ҳам келтирмай жуда тўғри қилибсиз. Сиздек мард, муҳаббатига садоқатли йигитлар ҳозирги кунда камдан-кам учрайди. Зеро ўзим муҳаббат

боғига ишқим тушиб, унинг кўчаларида сайр қилиб улгурмаган бўлсамда, лекин муҳаббатни илоҳий бир туйғу деб биланман ва унга ишониб яшайман. Сизга маслаҳатим, Н.ни кечиринг. Ҳадисларда айтилганидек: "Кечиримли бандасини парвардигор ҳам кечиради". Оллоҳ Н.ни қилган хатоси учун жазолабди. Сизнинг муҳаббатингизни қадрига етмаган ўша қизни ҳам муҳаббатини кимдир оёқ ости қилибди-ку?

Шуни билингики, гуноҳкор ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Ҳечдан кура кеч деганларидек Н. ҳам ўз хатосини англаб, сизнинг пок ва беғубор муҳаббатингиз қаршисида бош эгибди. Н.ни, яъни жондан ортиқ сеvгилингизни кечиринг ва ўртадаги муҳаббатларингизни сақлаб қолинг. Худо хоҳласа, Н. билан бахтли бўласиз. Тўйга мени ҳам таклиф қилишни унутманг. Ҳа айтгандай, менинг маслаҳатим қандай самара берганлиги тўғрисида хабар берасиз деган умиддаман. Сизга бахт тилаб қолувчи синглинги.

ДИЛНОЗА

«Уни кечиршим мумкинми?»—41-сон

**ЭСЛАТМА:** Маҳалламиздаги ўзимдан бир ёш кичик Н. исмли қизни сеvар эдим. Бухорога, тоғам ёнига кетдим Н. мени кулиб кузатиб қолди. Икки ярим ой ўтгач, қайтиб келсам Н. бир бадавлат одамнинг ўғли билан гаплашиб юрган экан. Мен билан гаплашгиси келмади. Орадан тўрт ой ўтгач Н. кечиршимни сўрабди. Нима қилай?

ОТАБЕК

Сирдарё вилояти

## У ҚИЗГА ҚОЙИЛ ҚОЛМАДИМ

Мени ёшим 25да. Бир ўғил, бир қизим бор. Мен Отабекни дил изхорини ўқиб хат ёзишга мажбур бўлдим. Отабек укам, мен хатингизни ўқиб у қизга қойил қолмадим. Чунки эри урушга кетган аёллар ҳам бе-вафолик қилишмаган. Холбуки Н. сизни икки ойгина йўқ бўлганингда бошқасини топиб олибди. Н. сизни сеvмайди. Сизни сеvганида эди, интизор бўлиб кутарди. Сиздан юз ўгириб, яна сиздан ке-

чирим сўрабди. Мен сизни ўрнингизда бўлганимда Н.ни асло кечирмаган бўлар эдим. Сиз уни кечирган тақдирингизда ҳам, эртага дўстларингиз устингиздан кулиб гапирганида қайси аҳволга тузасиз? Бундай мазах қилишларига чидай оласизми?

Тўғри, айтиш осон, лекин у қиз сизни сеvишига ишонмадим. Яна ўзингиз биласиз.

ЗАХРО

Тошкент

## СИЗГА БАХТ ТИЛАЙМАН

«Камчилигим йўқ, лекин»—6-сон

**ЭСЛАТМА:** Ўртаҳол оиланинг қизиман. Чиройда, одобда камчилигим йўқ. Тенгдош қизлар аллақачон турмушга чиқиб кетишган. Мен ёқтирган йигитларнинг ота-онаси оиламиз ўртаҳол бўлганлиги сабабли мени келин қилишни исташмас экан. Одамлар ҳам: "Тўй қачон", - деб ҳоли-жонимга қўйишмайди. Бу гаплардан безор бўлиб кетдим...

НАРГИЗА

Наргизахон! Сизнинг хатингизни ўқиб, жуда тасирланиб кетдим. Ахир умрингизнинг эндигина гуллаган пайтида яшасиз.

«Одамлар гапирди», - дебсиз. Гапирса гапираверишади. Элнинг озига элак тутиб бўлмайди. Шунинг учун, яъни "одамлар гапирмаслиги" учун ўзингизни бошқалардек камтар ва тарбия кўрган қиз эканлигингизни кўрсатишингиз керак. Атиги 21 ёшга тўлиб, ҳаётдан, одамлардан норизо эканлигингиз - сизни яхши томондан кўрсатмайди. Ҳали ёшсиз. Тушунлик одамни ҳаётдан совутади. Келажаққа умид билан қаранг. Бахт қушингиз бошингиз узра айланиб учиб юрганини унутманг.

К. И.

Тошкент шахри

## ОҚИЛА ҚИЗЛАР КўПАЙСИН

«Кийимга қараб баҳо бериш тўғрими?»—39-сон

**ЭСЛАТМА:** Унинг онаси менинг расмимни кўриб қолганлигини ва (мен расмга шимда тушган эдим) кимлигини суриштирганлигини айтди. Онаси расмга қараб туриб: "Менга шим киядиган келин керак эмас, бунақа қизлар кўчаники бўлади", - дебди. Шундан кейин уни ёнимга келмаслигини талаб қилдим. Шундай қилиб биз Э. билан учрашмайдиган бўлдик.

НИЛУФАР

Мени мактуб йўллашга тенгдошим Нилуфархоннинг ёзган дил изхори сабаб бўлди. Нилуфар ёзганларим қаттиқ ботса мени маъзур тутасиз. Хатингизда "Шим кийганим билан виждоним олдида покман, енгил табиат эмасман", - дебсиз. Шундай экан нима учун шимни кийишдан олдин мулоҳаза қилиб кўрмадингиз? Мени фикримча, кийимга қараб баҳо бериш тўғри. Бизни бошқалардан ажратиб турадиган, аввало ким эканлигини англаётган миллий кийимларимиз мавжуд. Ҳозирги замон-

да баъзи ёшларимиз хорижликларга тақдир қилиб, миллийликни йўқотиб қўймоқдалар. Мени билишимча, Э.ни онаси содда аёллардан экан. Шим кийганинги билан сизни ёмонламоқчи эмасман. Ўйлашимча, кўнглинги пок, виждонли экансиз-у, аммо шарму-хаё, андиша сизда му-жассам эмасга ўхшайди. Қани энди ҳамма қизларимиз ҳам виждонли, ибодли-хаёли, андишали бўлишса, мамлакатимизда оқила қизлар кўпайса.

ЛАЗИЗ НУРМАТОВ

## СИЗДА АЙБ ЙЎҚ

«Айбим уни сеvганим, ардоқлаганимми?»—43-сон

**ЭСЛАТМА:** Ҳамшира бўлиб ишлайман. Бир кунги оғир аҳволдаги йигитни олиб келишди. Уни кўранга ҳеч ким келмасди. Исми Карим эди. Каримнинг соғайишига ёрдам бердим. Билсам, у дугонамга ҳам сеvги изхор қилган экан. Унга бу ҳақда гапирдим. Онаси: «Ўқиган оиланинг қизини келин қилмайман», - деганини айтди. Кейин Карим билан ун йил гаплашмай кетдик. Яна у келиб узр сўради. Ўйланмоқчи бўлиб розилигини олди. Лекин... Бир ойдан кейин келиб бошқа қизга уйланаётганини айтиб кетди.

ЗАМИРА

Замира опа, сиздан икки ёш кичикман. Сиз ҳеч қайси қизлар қилмайдиган савоб ишни Карим учун қилибсиз. Уни тузалиши учун астойдил ҳаракат қилибсиз. У эса сизни алдаб, бошқаларга сеvги изхор қилиб юрган. Уни номард деса арзийди. "Бўлмасам мен 17 ёшли қиз билан гаплашиб юришим мумкин. Сиз эса 35 ёшли йигитни топиб тегиб ола-қолинг", - деган гапи менга жуда оғир ботди. Аслида гап ёшдамас. У айтганидек 30-35 ёшли йигит бўлса ҳам сиздан меҳри-муҳаббатини аямаса, иймонли, соғлом, ўзингизга ўхшаган яхши касб эгаси бўлса бўлди-да. Шун-

дай эмасми? Замира опа, тушунликка тушманг. Мактубингизга қараганда раҳмдил, одобли қизга ўхшайсиз. Каримни юракдан ўчиринг, унга ҳам худо бор-ку. "Мен қаерда хато қилдим?" - дебсиз. Уни ўйламай, сўраб-суриштирмай сеvиб қолганлигингиз ҳамда ўта раҳмдиллигингиз балки хатоингиздир. Энди буюғига йигитларга раҳмдилликни камроқ қилинг, шунда сиз алданмайсиз.

Феруза ТОЖИБОЕВА  
 Наманган вилояти,  
 Поп тумани



**ЯХШИ ИНСОН ЭДИЛАР...**

Саидмурод ака Сайдахметов ва гезетамизнинг энг фаол мухбирларидан бири эдилар. У киши турли мавзудаги мақолалари билан қатнашиб турардилар. Жонкуяр, самимий, меҳрибон дўст сифатида Саидмурод акани қадрлардик.

Кутилмаганда у кишининг вафот этгани ҳақида хабар келди. Афсуски, ўлим ҳақ экан! Орамиздан ажойиб дўст, азиз бир инсонни олиб кетди.

Хар доим ҳаммага яхшилик қилувчи Саидмурод акани Оллоҳ ўз раҳматиға олган бўлсин.

**"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" ГАЗЕТАСИНING ЖАМОАСИ**

Саипова Гулбахор Салимовна номига 1993 йилда берилган 05-01\3875-рақамли Давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**БЕКЛАРИНИ КУТАЁТИР БЕГОЙИМЛАР...**

Биз гезетамизнинг 45-сонида ўз укасининг тақдири учун қайғуриб, унга бахт излаётган Гулчехранинг "Меҳр муруватли бир аёл бўлса" деган мақоласини эълон қилгандик. Буни қарагинки, ҳаётда турли сабабларга кўра турмуши бузилган, ўқиш ёки иш билан бўлиб умрини ўтказиб юборган қизларимиз анча экан. Улардан изтироблар тўла талайгина мактублар олдик. Бироқ! Гулчехрадонга илтимосига кўра фақат Тошкент шаҳридан келган мактубларнигина етказдик. Қолган мактуб эгаларини ҳам ноумид этмокчи эмасмиз. Биз ушбу мактублардаги армонли сатрларни эътиборингизга ҳавола қиларканмиз, умид қилдик! Эҳтимол, Гулчехрадоннинг укасига ўхшаган келишган, топармон-тутармон эркаклар ўз Беғойимларини излаб, топа олмай сарсондир? Балки шу гезета сабаб юртимиздаги бахтли оилалар сони кўпайса, ўқисик, жажжи болагиналар оналик бўлишиб юракчаларидаги кемтикларни битиб кетса... Биз савоб иш қилганимиздан бошимиз кўкка етган бўлардик.

кўллаб янги чақалоқлар дунёга келади. Мен эса уларга қарарканман, вақти келиб ўз чақалогимни ҳам қўлимга олгим келади.

**Хоразм вилояти**  
- Аёл бахтли бўлса бўлди, тоғни ҳам елкасига кўтариб кетиши мумкин...

**Самарқанд шаҳри**  
- Қизимнинг бир меҳрибон эркакни "отажон!" деб қақирисини истардим.

**Фарғона вилояти**  
- Ўғлимнинг маънавиятли, комил инсон бўлиб ўқишида отанинг тарбияси зарур, шундай инсонни учратсам...

**Гулистон шаҳри**  
- Дунёдаги бир-бирига интиқ инсонлар барибир учрашадилар-ку...

**Чимкент**  
- Ўтаётган кунларимнинг бирида бахт мени излаб келишига ишонаман...

Кайда ўзи ўша бахт Навоий

**УЙИГИЗНИ ГУЛ ҚИЛАЙ БЕГИМ**

Айни гуллаган талабалик давримда турмушга чиққандим. Лекин... Турмуш зарбалари орзу-умид гулларимни сўндирди. Болалар врачиман. Бир ўғилчам бор. Моддий муҳтожлигим йўқ. Иш-лаяпман. Лекин, чехрамгина қулиб юради, тунар кўз ёшларим дарёдек тўкилаверади. Болажонман, болаларни яхши кўраман.

Бахтни бир ўзим ярата олсайдим... Йўқ, ёлғиз аёл буну урдадай олмас экан... Агар хотини вафот этган (ажрашган эмас), ширин бахтни орзу қилувчи мард, олижаноб эркак бўлса уйини гул қилиб юборган бўлардим.

Самарқанд шаҳри

**ТУШИМ ЎНГ КЕЛДИ**

Кўрган тушимни ҳаммаша яхшиликка йўйишга интиламан. Улардан тўғри хулоса чиқаришга тиришаман. Аксарият тушларим менга келажакдан баҳорат қилади. Яқинда бир туш кўрдим. Тушимда синфдош дугонанинг тўйимиш. Уйда тўйдан дарақ берувчи ажиб бир буй кезар, стол-стуллар ясастиглик, тўрда келин-куёв ўтирар, чор-атрофда эса негадир ҳеч ким йўқ эмиш. Ажабо, тўйхонада бир-икки киши (қўшнilar бўлса керак) чой, ул-бул ташиб хизмат қилиб юришар, мен эса...ракс тушаяпманмиш.

қизи билан қийналиб яшайди. Тирикчилиги базур, ойма-ой зўрга ўтади. Унга турмуши бузилган бир-икки кишилар оғиз солиб юришганидан баҳарим бор. Аваз ака ҳам шулардан бири эди. Аваз аканинг оиласи касаллик туфайли оламдан ўтган, фарзандлари ҳам бафайлат етиб, ўзларидан тинишганди.

Ишга бориб, кундалик ташвишлар туфайли тушим ёдимдан чиқибди. Бирок, катта танаффусда ҳамкасбаларимдан синфдошимнинг тўйи бўлиб ўтганини, бирок узрли сабаб боиси ҳеч кимни айтмаганини билдим.

Гулнора ТОҲИРОВА  
Тошкент вилояти, Оқкўрғон тумани

**ДАРДИНГИЗГА ДАРДДОШ БЎЛАМИЗ**

Ҳаётда шундай вақтлар бўладики, сиз умидсизлик ва тушқунлик ҳолатига тушасиз. Сизни қамраб олган муаммоларни ечишга имкон топмайсиз. Дардингизни тушунадиган бир одам ахтарасиз, лекин синрингизни фош этишни ҳам хоҳламайсиз. Мана шундай ҳолларда "Файз" ишонч марказига кўнғироқ қилинг ва ташриф буюринг. Ишонч марказидаги юқори малакали мутахассислар,

психологлар, руҳшунос, тиббий ходимлар, юристлар ва педагоглар ўз маслаҳатлари билан сизга ёрдам берадилар. Бизда ҳамма нарса сир сақланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй (бинонинг 4 қавати).  
Телефон: 45-90-66, 45-18-68.

"ФАЙЗ" ИШОНЧ МАРКАЗИ

**Хотира — муқаддас**

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалланд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталиғида гормонал дорилар қўлланмайди.  
Аллергия касаллиқларни аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўшиб синалади. Иш вақти соат 8-17 га.  
**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Шайхонтоҳур тумани ҳарбий комиссариати ёнида. Автобуслар 27, 35, 46, 53, 91. Трамвайлар 7, 8, 16. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

Тошкент туманидаги 6 хонали, 8 сотих ёри бор, 10 тул узуми, 2 сотих мискиқонали парник, ҳаммом, канализация ва ҳамма қулайликларга эга бўлган уй шойилинч арзон нарҳда сотилади.  
Манзил: Беруний бекатидан "Минвода" санаторияси бўйлаб, 60-, 473-, 474-автобусларнинг "Олтин тепа" бекати, Шухрат кўчаси, 3-уй (ўнг қўлда). Тел: 30-33-87. Дилором.

**ДОИМО СОҒЛОМ ВА ГЎЗАЛ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?**

- Мутахассис кузатувида бир ойда 15 кг, гача озиш;  
- Корин, белдаги ёғларни, юздаги ажинларни, хуснбузарларни, доғларни кетказиш.  
Фирма тўлиқ, қисман бандлик шартлари билан ходимлар қабул қилади. Ойлик 80 000 сўмдан оқори.  
Манзил: Х, Олимжон метро бекати, Асака кўчаси, 13- уй. 118-мактаб ёнида.

**"ЭЛИТА" УСУЛИДА ПАРДА ВА ПАКРИВАЛЛАР ТИКИШНИ ЎРГАТАМАН, ТИКИШГА БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛАМАН. Тел: 22-73-73. РАЪНО**

**"МАДИНА БЕГИМ" ЎҚУВ МАСКАНИ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИ ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

1. Сартарошлик-2 ойлик. 2. Массаж-2 ойлик.  
3. Уй ҳамшираси-2 ойлик. 4. Қандолатчилик- 2 ойлик. 5. Замонавий усулда парда ва пакриваллар тикиш (каталог асосида). 6. Косметология-2 ойлик. 7. Компьютер - 2 ойлик. 8. Инглиз тили 2-ойлик. 9. Маникюр - 2 ойлик.  
Амалиёт билан бтирганларга диплом берилади. Олисдан келганлар ётоқхона билан таъминланади.  
Манзил: "Хадра" меҳмонхонаси. 56 " - уй, 5-қават. Мўлжал: Циркнинг ўнг томонида. Тел: 144-28-11, 45-95-48.



**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚЎЛЛАР»**

Кўйлаги вуалик курсларга қабул эълон қилади:  
● инг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик. ● пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмалли пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик; ● аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик; ● Замонавий, ҳар фаслга мос эркаклар кийимли - 2 ойлик.  
Кўйлак, шўша, кестомлар - ҳар кунга, классик ва спорт усулига мос - костюм, фрак, нимча, куртка, плащ, пальтолар.  
Маншўтларда хизмч гуруҳларга ҳар кунга озиб борилди.  
Битирганларга диплом берилди. Қабул ҳар кун (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 12 га.  
Манзил: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.  
Мўлажа: Метронинг «Амир Темур» бекати. Тел: 133-73-97, 76-71-95.



**«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.**

3 ойлик курслар: 1. Инглиз тили. 2. Инглиз тили ва компьютер. 3. Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билими. 4. Банк иши ва компьютер билими. 5. Теле-радио-видео аппаратураларини таъмирлаш устаси. 6. Компьютерларни таъмирлаш устаси.  
2 ойлик курслари: 1. Компьютер билимлари. (Windows-2000? Ms Office) INTERNET, E-MAIL. 2. Бухгалтерия ҳисоби, 3. Электр жиҳозларини таъмирлаш устаси, 4. Тикиш, бичиш ва моделлаштириш, 5. Элита усулида парда ва чойшаблар тикиш, 6. Массаж, уй ҳамшираси.  
Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилди. Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида). Тел: 41-33-96, 58-48-50.

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН FANSOFT КОМПЬЮТЕР ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**ТТ таклиф қилади**  
Компьютердан малакали фойдаланувчи MS DOS, NC, Windows MS Office (Word, Excel) 48 соат  
Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими AutoCAD 14, AutoCAD 2000 80 соат  
Графика CorelDraw, PhotoShop 60 соат  
Қирғин миваффақиятдан татомлаганларга сертификат берилди  
Манзил: М "Тинчлик", Беруний 83, "Ўзгалоҳиҳа" инс-ти, 1-қават 21 ва 22 хоналар. Тел: 1441527, 420345

**"ҲАДИЧА САЁХАТ" ЎҚУВ МАРКАЗИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

1. Бичиш ва тикиш - 3-6 ой; (ўқиш Қибрайда бўлади);  
2. Парда ва чойшаблар тикиш (Элита) - 3 ой;  
3. Эркаклар кастюм-шимини тикиш - 3 ой;  
4. Сунъий гуллар ва юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш - 3 ой;  
5. Қандолатчилик - 3 ой;  
6. Сартарошлик - 3-6 ой;  
7. Радио, телевизор устаси - 3 ой;  
8. Уй ҳамшираси - 3 ой;  
9. Массаж - 2 ой.  
Манзил: Янгиобод мавзеси, "Янгиобод" кинотеатри.  
Авт: 5, 23, 26, 30, 48, 61, 104, 119.  
Маршрут: "Раф" 18, 57, 75.  
"Отайўл": 45, 39, 64.  
Тел: 98-71-98

**«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади**

3 ойлик  
- Инглиз тили;  
- Бухгалтерия ва компьютер билими;  
- Тикиш бичиш моделлаштириш.  
2 ойлик  
- компьютер билимлари: (Windows-98, MS office: Word, Excel, Power Paint);  
- компьютерларни таъмирлаш ва модернизациялаш;  
- замонавий бухгалтерия ҳисоби;  
- Бухороча зардузи;  
- Замонавий пардалар тикиш.  
Тугатганларга диплом сертификатлар берилди.  
Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси- 13 2 қават, 55- хона. Мўлжал Навоий метроси, Стом поликиликкаси ёнида.  
Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55  
Келинларнинг ҳайит дастурхонига торт ва пишириқлар пишираман.  
Тел: 162 - 67 - 86

Оилада 6 қиз ва бир ўғил укам бор. Мен тўнғич фарзандман. Ота-онам мени 17 ёшга тўлар-тўлмасимдан турмушга бериш тараддудига тушишди. Куёв — аммамининг ўғли. Улар бизга унча узоқ бўлмаган қишлоқда, биз эса шаҳарда яшардик. Аммамининг 5 ўғил, 1 қизи бўлиб, мен тенги қизлари бўлмаганлиги сабабли уларникига кўп бормаганман. Ўғлини эса бир-икки кўрганман. Ўзига, кийинишига эътибор бермайдиган йигит бўлгани учун у менга сира ҳам ёқмасди. Оилада дадам бизга жуда қаттиқ турадилар. Биз дадамизнинг юзига ҳеч тик қараб гапира олмас эдик. Шу сабаб мен дадамга куёв бўлмиш йигитни ёқтирмаслигимни айта олмадим. Фикримни онамга билдирилмади, лекин онам ҳам дадамнинг жаҳлларида кўрқиб бIRON фикрини у кишига очик айтолмасди.

Хуллас, мен кўнгилсизлик билан турмушга чиқдим. Тақдирнинг аччиқ зарбасини қарангки, умр йўлдошимнинг тутканоғи бор экан. Тўйимиздан икки кун ўтгач унинг тутканоғи тутиб қолди. Ҳаётда шундай касал борлигини кўрмаган, ҳатто эшитмаган мен учун бу жуда даҳшатли воқеа эди.

Қанчалик кўрқиб кетганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Ўзимга келганимдан кейин аммадан нимага бундай бўлганини сўрадим. Амма: "Унинг "момолари" бор, ўтиб кетади. Қишлоқда буни "қуянчик" деб гап тарқатишган, сен ҳеч кимнинг гапига ишонма", - дедилар.

Кейинчалик бу ҳол тез-тез такрорлана бошлади. Мен ҳар тарафлама ўйла-ниб қолдим. Мен шу гапни баҳона қилиб уйга қайтиб борсам ёки бу ҳақда айтсам, уйдагилар қаттиқ изтироб чекишини билардим. Шуларни ўйлаб яхшиси бу ҳақда ҳеч кимга айтмасликка, ота-онам, амма тўфайли чидаб яшаб кетишга қарор қилдим. "Касали яширсанг иситмаси ошкор қилди", деганларидек, тўйимиздан 20 кун ўтиб уни касалхонага ётқизишди ва бизни уйдагилар ҳам барибир хабардор бўлишди. Орада унчалик бордикелди бўлмаганлиги сабаб, унинг касалини ҳеч ким билмасди. Дадам билганларидан кейин жаҳллари чиқди. Аммамга: "Гулдек қизимнинг ҳаётини барбод қилдингиз, шундай касали бор деб айтсангиз бўларди-ку, қизимни олиб кетаман", - деб туриб олди. Амма бўлса: "Фотиҳа қилганидан кейин бошланди, "якши бўлиб кетар, деб ўйладим", - дедилар. Ёш бўлишимга қарамай, оилани муҳаддас деб билмаган. Арзиманган сабабларга кўра аразлашиб, ота-онасиникига кетадиган, оиладаги ҳамма гапни ота-онасига айтиб, охири-оқибат ажралиб кетадиган қизларни кўрсан нафратим кўзирди. Турмушдан ажралишни ўзимга ор деб

билдим ва дадамга: "Нима бўлса ҳам биринчи бахтим, пешонамдан кўраман, яшайман", - деб туриб олдим.

Ахир у ҳам инсон-ку, у ҳам ҳаётга бир марта келади, деб унинг кўнглига қарашга, тушунишга ҳаракат қилардим. Биз ихкаламиз икки хил характерга эга эдик. Мен тозаликни, саранжом-сариш-талиқни яхши кўраман. "Эркак кишининг уст-бошига қараб хотинининг қандайлигини билса бўлади", - деб ўйлай-

бола-чақа уни қизиқтирмасди. Ҳеч қаерда ишламайди, рўзгордаги оддий ишлар ҳам қўлидан келмайди, қилмасди ҳам. Эрталабдан кечгача овқат ейди, ётади. Ҳар не бўлганда ҳам фарзандимнинг отаси — кўз очиб кўрганим, деб соғайиб кетишини Оллоҳдан тилардим.

Йиллар ўтиб борарди. Унинг касали кундан-кунга, йилдан-йилга кучайди. Тутканоғи шунчалик даҳшатли тутардики, ўғлим кўрмасин, кўркади деб дар-

ўтказманг, сиз чиройли, келишган аёлсиз, бахтингизни толиб кетасиз", - деб айтарди. Мен бу ҳақда ўйламасдим. Фақат турмуш ўртоғимга жуда ҳам раҳим келарди. "Ҳали яхши бўлиб кетади, шу гапни айтганлар уялиб қолади", - деб ўйлардим. Афсус, мен кутган кунлар келмади.

Бир куни касали шунчалик қаттиқ тутдики, ўғлимни бўғиш даражасига етди. Ўғлимни олдим у ота-онаминикига келдим. Шунча йил "якши-якши" деб яшириб юрганим ёлгон эканлиги, касали тутиб қолганда ҳам гал кўрқиб қолишимни, ортик бир кун ҳам яшай олмаслигини айтиб йиғладим. Худди шундай бўлиши керакдай ота-онам ҳеч нарса дейишмади.

Мана бир йил бўлди, ўғлим билан ота-онаминикида турибмиз. Шу бир йил ичида эримга раҳим келиб қайтиб бориб яшамоқчи бўлдим. Лекин охири марта қаттиқ кўрққан эканман. Охири мартадаги хуруж кўз олдимда кечагидек туради. Кўзимни юмиб бориб яшаб кетолмадим.

Қайнона-қайнотам мендан мингданминг рози эканлигини, бахтли бўлишимни айтишди. Ҳаммалари қайин укаларим, қайинсинглим ҳам тез-тез келиб туришди. Мени тушунишди. Ҳозир ўғлим 5 ёшда, қайнукаларим олиб бориб отасига кўрсатиб келишди. Эрим билан 7 йил бирга яшадим. Эримга жуда ҳам раҳим келади. Виждоним қийналади. Худди мен уни касал пайти ташлаб кетгандек бўлавераман. Лекин юқорида айтганимдек, қаттиқ кўрқанимдан бориб яшаб кетолмадим.

Азиз юртдошларим, мени тўғри тушунасизлар деган умиддаман. Мен ҳали ёшман — 24 даман. Турмуш ўртоғим билан тулқанга бирга боргим, ўйнаб-қулгим келади. Гулдек умримни уни севмасам-да, унга бағишласам у бунни ойлмас, ҳис этолмас... Якши-якши фарзандлар тарбиялаб ўстиргим келади. Ахир соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келади-ку. Ўғлим ҳам Худого шукр, соғлом. Келажакни ўйлаб кеч бўлса-да, судга ЗАГСни бе-кор қилиш тўғрисида ариза бердим. Шу бир йил ичида келган совчларни кўп марта қайтардим. "Сутдан оғзи қуйган, қаттиқчи ҳам пуфлаб ичад", - деганларини рост экан. Турмуш қуришга кўрқарман. Менга ўхшаган кўнгли ярим, оила қадрига етадиган, касб-хунарли, мақсад-нияти пок инсонлардан дўстлар орттирсам, мактуб орқали боғлансак, деган умидим бор. Чунки бу ҳаёт дўсту қадрдошлар билан файзлидир, деган фикрдаман. Мактубларингизни кутаман. Манзилим тахририятда.

ФЕРУЗА

Сурхондарё вилояти, Кумкўрган тумани

## СУТДАН ОҒЗИ ҚУЙГАН...



ман. Табиатан оғир, вазмин, ҳар бир гапимни ва ишимни ўйлаб қиламан. Дардимни ҳеч кимга айта олмайман, ўзимнинг оғзимда турмаган сирим бошқанин ҳам оғзида турмайди, деб ўйлайман. Турмуш ўртоғим эса менингни бутунлай тескарим — қўпол, кўрс эди. Мен ҳамма-ҳаммасига чидардим. Лекин кўнглим кундан-кунга музлаб борарди. Ҳадемай орадан бир йил вақт ўтди. У мени туғмасга чиқара бошлади. Турмуш ўртоғимнинг соғайиб кетишини, тўрт мучаси соғлом фарзанд ато эттишини Оллоҳдан сўрардим. Тўйимиздан икки ярим йилдан сўнг мен орзу қилгандай фарзандли бўлдим. Энди мен ўғлимга овунчиб яшай бошладим. Умр йўлдошим шунчалик беҳафсалани, хотин,

ров уни яширардим. Қайнона-қайнотам билан бирга турардик. Уларни жуда ҳам ҳурмат қилар, айтганларини бекаму кўст қилишга ҳаракат қилардим. Улар мени ўз қизларидек яхши қуришарди. Эримнинг ҳар тутканоғи тутганида қайнотам: "Менингни бир қизим иккита бўлган, мен сени қизимдай яхши кўраман, сен мени ёки аммангни юз-хотир қилиб ўтирма, мен сенга "кет" деб ҳам айтмайман, "кетма" деб ҳам айттолмайман, ўзинг ҳал қил, сен ҳам яшашинг керак", - дер эдилар. Мен бўлсам: "Ҳали ўғлингиз яхши бўлиб кетади, кўрмагандай бўлиб кетамиз", - дер эдим. Қишлоқда унга "тентак" деган тамга босилган, ҳамма менга ачиниш билан қарарди. Кўпчилик менга: "Умрингизни

### ДИЛ ИЗҶОРИ

Мен олийгоҳнинг сўнгги курсида таълим ололқодаман. Сен-тябр ойининг ўртасида биз пахта теришга чиқдик. Пахта терими жуда қизгин ўтди. Биринчи, иккинчи, учинчи курс талабалари ҳам биз билан биргалликда пахта теришди. Шу кунларнинг бирда биринчи курсда ўқиса ҳам мендан 5 ёш катта бир йигит менга севги изҳор қилди. Аслида у менга ҳам жуда ёқарди. Кўп вақт ўтмай онам келиб раҳбариятдан рухсат сўраб, мени олиб кетди. Шу билан пахта терими туяганча уйда бўлдим. Яна ўқиб бошланди. Бир куни ўқига бораётим у йигитни учратдим ва ич-ичимдан уни қайта учратганимдан қувониб кетдим. У яна менга ўз севгисини айтди. Шунинг билан гаплашиб юрдик. Унинг қандайдим одамлиги, ота-онаси қимлиги, қай маҳаллада яшашини ҳам сориштирмабман. У билан анча гаплашиб юриб, кўнгли қўйиб бўлганимдан сўнг сориштириб курсам у йигит кўп ичадиган, чекадиган, қўринган қиз-

## ҲЕЧ БИР ҚИЗ МЕНГА ЎХШАМАСИН

юбортирган экан. Шу гапларни эшитиб нима қиларимни билмай қолдим. Чунки бу вақтга келиб унга қаттиқ боғланиб қолгандим. Бора-бора унинг бошқа қизлар билан гаплашиб юрганини ҳам эшитдим. Лекин мени ишонгим келмасди, сабаби уни жуда қаттиқ севиб қолгандим. Эшитганларим ҳақида ўзига айтсам, баҳона топиб: "Бу қизлар менингни синфдошларим, дўстларим", - деб жавоб берарди. Наврўз байрами яқинлашиб қолганди. Энди ҳаммаси туғади, у билан бошқа гаплашмайман, деб аҳд қилдим ва 14 март куни у билан

иложим йўқ эди. Зиёфатга бордик. Зиёфат қизигандан-қизиди. Ҳамма маст эди. Мастликда эса... Тонгда туриб нима қилишни билмасдим. У эса менга қараб: "Сен қиз эмассан", - деди. Қиларини қилиб тан олмаганига ҳам қандай чидай? Йиғлаб-сиктадим. У менга раҳми келгандай бўлиб: "Хўп майли, сенга кейинроқ уйланаман, фақат ҳозир эмас", - деган гапдан нари ўтмади. Онам борадиган табиғга бориб фол очардим. Лекин фойдаси бўлмади. Бир куни фолбин онамга ҳаммасини айтиб бериб-

ди. Онам мени: «Сендек қизим йўқ, сендай қиздан нафратлана-ман», - дея уришди. Мениннг эса йиғлашдан бошқа чорам йўқ эди. Унинг менга уйланишига ҳеч ишонмайман. Онам касал бўлиб ётиб қолди. Бир куни кечаси онамга дори олиш учун пул сўраб дўстимникига бордим. Кеч бўлиб кетганлиги сабабли қўшни бола билан чиққандим. Дўстимникидан қайтаётим у йигитни кўрдим. Шу ерда у мени оғзига келганини қайтармай ҳақоратлади. "Енингдаги йигит қим, у билан кечда нима қилиб юрибсан? У билан ҳам бирга бўлгандирсан", - деб мени сўқиб кетди. Унинг тухмат гапларини эшитиб икки кўзим ёшга тўлди. Уйга борсам ойим уришади, бу дунёда мениннг кимга керагим бор, деб ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим.

Лекин онамни ўйладим. Бир куни онамнинг дугоналаридан бири ўғлига мени сўраб келди. Онам индимаздан жавобини бериб юборди. Орадан вақт ўтиб онамнинг яна бир бошқа дугонаси мени сўраб келди. Ўғлининг хотини ўлган, бир боласи ҳам бор экан. Улар фақатгина катта тўй қилиб бермаймиз, дейишди. Мен нима қиларимни билмай қолдим. Ахир мениннг ҳам не-не орзуларим бор эди-ку. Бу дунёга келиб келинликнинг либосини киймасам, дўст-душманларим ҳам нима дейишар? Онам эса: "Энди шунга тегавер, сениннг бахтингни ўйлайман", - дейди. Нима қилишни билмайман. Бу борада азиз юртдошларимнинг маслаҳату далдаларига муҳтожман.

Мениннг бошимга тушган бу савдо ҳеч қачон бошқа қизларнинг бошига тушмасин, деб Яратгандан сўраб қоламан.

Нукус шаҳри

T.

## АРОҚ ИЧГАН СИГИР

Бир грамм никотин отни ўлдиреди. Бу гап илмий асосга эгами, ёки бу билан чекиш соғлиқ учун хавфли эканлигини таъкидламоқчи бўлишадими, буни аниқ билмадим, лекин ярим шиша ароқ сигирни ўлдирганини ўзим гувоҳи бўлганман.

Мана бир неча кундирки уйимизнинг қарама-қарши томонидаги хонадонда яшайдиган қўшнимизнинг сигири бетоб. Қўшнимиз мол мутахассисини чақирди.

- Ким билади, бир нарса дейишга хай-

Мен изимга қайтдим. Гарчи қас-собчилик хунаримиз бўлмаса ҳам, укам иккимиз мол, кўй сўйишни яхши билардик. Бу ишни дадамиздан ўрганган бўлиб, зарур вақтда маҳалладагилардан ёрдамимизни аямас эдик.

Пичоқларни олиб ҳовлига кирдим, ҳайратдан қотиб қолдим. Ҳозиргина жон талвасасида ётган сигир ўрнидан туриб олган, ундан уч метрлар берида қўлида қонга беланган пичоқни ушлаганча укам турарди. Шундагина сигирга эътибор бердим: унинг бўйи тахминан уч-тўрт сантиметрлар кесилган, ўша ердан қон оқиб турарди.

- Ака, жониворни ўлгиси келмади, - укамни кўзи менга тушиб ҳоргин жилмайди.

Маълум бўлишча, сигирнинг ҳаром ўлиб қолишидан кўрққан Баҳром мен билан бир вақтда ошхона томон юрган ва у ердан пичоқ олиб чиқиб берган экан. Укам ҳам ортиқ ҳаялламай оддий, рўзгор пичоғи билан сигирни бўғизлаган. Худонинг қудратини қарангки, ўтмас пичоқни иккинчи марта сигир бўғизига солганда у бирдан ўрнидан туриб кетган.

Орадан кунлар ўтди. Сигир жуда секинлик билан бўлса-да тузала бошлади. Энди у хашак ва пўчоқ еб иштаҳага кира бошлаган эди.

Бир куни ўқишдан қайтганимда нохуш воқеа устидан чиқдим. Қўшнимизнинг сигирини сўйишган, гўштини машинага юклашаётган экан. Нима гаплигини билиш мақсадида машинага яқинлашдим.

Баҳромни айтишча, шу маҳаллалик бир киши, сигирга озгина ароқ ичириб юборса иштаҳаси очилди ва соғайиши ҳам тезлашади, деб маслаҳат беради. Табиийки, оғзидан қуйилган бу ароқни касалликдан заифлашиб қолган сигир вужуди кўтара олмайди. Орадан бир соатлар ўтар-ўтмас ҳолсизланиб ўзини ерга "таппа" ташлаган сигирни сўйишга зўрға улгуришади. Бу воқеани эслар эканман, чуқур ўйга толанам. Қизик, бўғизга урилган тиг билан бирга келган ажалга изн бермаган сигирни Аллоҳ ҳаром қилган ароқ ҳалок этди. Демак, ичкилик жамики тирик мавжудотни ва шу жумладан энг олий ҳилқат саналмиш инсонни ҳам ҳалокат сари етакловчи энг хавфли душман экан.

Шундай экан, бу захри қотилни ичишдан ҳар биримиз нафсимизни тийялик ва машхур араб олимиди Абду Фароҳнинг қуйидаги сўзларини ҳамisha ёдимизда сақлайлик: "Ичкиликбозлик жамики иллатларнинг дебочасидир".

**Ҳожимурод АБДУРАҲИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани



Қиссадан ҳисса

ронман, - мутахассис сигирни шовилмай, узоқ текширсада, аниқ гап айттолмади, ўқмайдиган бирор нарса еб қўйганга ўхшайди. Мана бу ёзиб берган дориларимни бериб турасизлар. Агар ўзгариш бўлмаса сўйишга тўғри келади. Молни иши қийин ука, ахир бу жониворни тили бўлмаса.

Лекин дориларни заррача бўлсада, нафи бўлмади. Сигир кун сайин озиб, дармондан кетиб борарди. Сигир бетобланиб қолганининг бешинчи ё олтинчи кун эди. Қўшнимни ўғли ховлиқчи чиқиб қолди.

- Ҳа, Баҳром тинчликми? Сигиринг тузукми? - укам дўстининг айвон олдига етиб келишига ҳам сабри чидамай сўради.

- Ерга ётиб олди, - унинг кўзларида хавотир ва ачиниш ифодаси бор эди, - кўзлари юмук. Менимча ўлиб қолди.

Укам иккимиз Баҳромни ҳам ортда қолдириб қўшнимнига югурдик. Укам сигирни тепасига етиб келганда таққа тўхтади-да, унга синчков тикилди.

- Ака, тирик? Нафас оляпти, - у бирдан бақириб юборди. Сўнгра кескин эгилдида, бармоқлари билан уни кўзини очиб кўрди. - Лекин кўз қорачиғи кетиб қолибди. Тезроқ, тезроқ пичоқни олиб келинг.

### (Боши ўтган сонда)

Равшан мактабни битириб ҳарбий хизматга кетди. Лобар ҳамшираликка ўқишга кирди. Икки йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Хизматдан қайтганида Равшанни нохуш хабар кутиб турган эди.

Лобарни отаси энг яқин дўстининг ўғлига бераётган эди. Лобар Равшаннинг хатларини онасига кўрсатди, ўзи яқин унинг кўришини айтди. Онаси уни тушуниш ўрнига: "Болам, бу хатларни ёқиб юбор, отанг кўриб қолса ёки қудалар билиб қолса шарманда бўламиз. Куёвинг чиройли, бой, кўй ўша Равшанни, у аввал хизматдан келиб ўқисин, ишласин. Унга сендай

Уларни кузатиб турган онаси кўрқувдан титраб кетди. "Ҳозир жанжал бўлади. Эй худо! Шарманда қилма", - деб қизининг хонасига югурди. Қараса қизининг кўзлари қизариб, шишиб кетган, бағрини ерга бериб ётибди. "Хай болам-а, - деди она, - энди отанг ўлдиреди. Анови келипти, уялмасдан отангни олдига ўзи келипти".

- Ким? - Лобар ўрнидан сапчиб туриб кетди.

- Ким бўларди, Равшанми - баломи, ўша-да, - деди онаси.

Лобарнинг вужуди титраб кетди. На-

**Раъно АБАЗОВА**

## ЁШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ

қизга уйланишга йўл бўлсин", - деди. Лобар: "Ёлғиз мени тушундиган онам-ки, шундай деб тургандан кейин, тамом, Равшандан умидимни узаверай", - деб йиғлаб қолаверди.

Равшан қишлоққа келгач, бу хабарни эшитиб, онасини кўярда қўймай Лобарларникига юборди. Онаси Лобарнинг онасига бориб: "Икки севишгани бир-бирдан жудо қилмайлик", - деб ялинибди. Лобарнинг онаси эса: "Бу гапни Лобарнинг отаси эшитмасин, мениям, қизимниям ўлдиреди. Севишган, деган сўзни эшитса, нақд қизини бўғизлаб қўяди. Сиздан илтимос, иккинчи бу гап тўғри-сонда оғиз очманг, қизини бахтига зомин бўлманг, ўлгингизгаям бошқаси насиб қилар", - деб айтибди. Онасининг келишини кўзлари тўрт бўлиб кўриб ўтирган Равшан, уни кўрди-ю, пешвоз чиқди. Онасининг авзойини кўриб кўрқиб кетди. Онаси унга қараб "йўк", дегандек бош силкиб қўя қолди. Равшан жаҳл билан тез-тез юриб, қаричани бир тепиб очди-да, кўчага чиқиб кетди. Равшан ҳозир ўзини тўтиб тура олмас эди. Унинг вазоҳатини кўрган одам ё биров билан уришиб қолган, ёки бировдан қасдини олмоқчи, деб ўйларди. У тўғри Лобарларникига борди-да, дарвозани очиб, сўрамасдан ичкарига кирди. Қаршисидан келаётган басавлат киши — Лобарнинг отасини кўрди-ю, бироз ўнғайсиз ахволга тушди. "Қизишмай, босиқлик билан тушунтиришим керак", - деган ўй кечди хаёлидан. "Ҳа йигит, бу ер отангизнинг карвонсаройими?"

- Лобарнинг отасини жаҳли чиққани шундоққина сезилиб турарди. - Кечирасиз, мен... мени сизда гапим бор, - деди рўпарасидаги кишининг салобатидан бироз довдираб. - Уйга кирамизми, ёки шу ерда гапираверасизми? - ота ундан жавоб кутмай ўй томонга йўналди.



риги уйдан эса отасининг овози келди. - Менга қара, ўв бола, агар қизим сен билан юрганман, деса, ундай фарзандни оқ қилишдан ҳам қайтмайман. Хотин! - деб чақирди ваҳоҳат билан.

Онаси титраб-қалтираб отаси турган уйга кирди.

- Чақир қизингни!

Онаси Лобарнинг етаклаб кирди. Лобар бошини ердан кўтара олмай, тинмасдан, унсизгина кўзёшларни тўқарди. Равшан Лобарга тикилиб қолди.

- Менга қара қизим, - отаси Лобарга яқин келди, - сени кимга берганимни биласан-а? Мингта яқин қариндошдан ҳам яқин, азиз дўстининг ўғлига. Агар сен ҳозир ўз тилинг билан: "Мен шу йигит билан юраман, унга тегаман", - десанг, унда сени шу йигитга етакламан-да, сен ҳеч қачон мени ота, онангни она демайсан. Биз ҳам сендек қиздан воз кечи қўямиз. Тўғриси айт, сен шу йигит билан юрганмисан?

Лобар тинмай йиғларди. - Айт! Айт! Айт! - деб бақирди отаси. Равшан умид билан Лобарнинг юзига тикилди. Отаси бир неча дақиқа жим турди-да, Равшанга қараб: "Энди жўна", - деб эшикни очди.

(Давоми бор)

"Оила ва жамият" газетаси жамоаси шоира Курбоной Убайдуллаевага ўғли — таниқли санъаткор **Мухриддин ХОЛИҚОВ**нинг бевакт вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

"Оила ва жамият" газетаси жамоаси шоир Мухаммадшоҳ Раҳмон ва журналист Холтош Усмоновларга ўғли **УМИДЖОН**нинг бевакт вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

**Оила ва жамият**  
Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлёрмаалар таҳрир қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.  
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Бошишга топшириш вақти - 20.00  
Бошишга топширилди - 20.00  
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»**  
Акционерлик компанияси  
**ОБУНА ИНДЕКСИ** - { яқка обуначилар учун 176  
ташкилотлар учун 177  
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобук, Баҳоиси эркин нарҳда. Адади — 30 000  
Саҳифаловчи — **Жаффар ЖАББОРОВ**.  
Расмом — **Набижон ХОЛМУРОДОВ**.  
Навбатчи — **М. СОДИКОВ**.